## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

## 410 Олимпия захиралари коллежлари тўгрисидаги низомга кушимча киритиш тўгрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шахрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган ХХХІ ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўгрисида» 2013 йил 25 февралдаги ПҚ−1923-сон қарорини бажариш, спортнинг олимпия турларини ривожлантириш ва оммалаштириш, ёш истиқболли спортчиларни етиштириш ва танлаб олиш, шунингдек Тошкент шахридаги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузуридаги Республика олимпия захиралари коллежининг мавжуд моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:** 

- 1. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 30 июлдаги 163-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 7-сон, 40-модда) билан тасдиқланган Олимпия захиралари коллежлари тўгрисидаги низомнинг 7-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қушилсин:
- «Тошкент шахридаги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги хузуридаги Республика олимпия захиралари коллежи умумий контингенти 660 нафар ўкувчидан иборат этиб шакллантирилади, умумий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими бўгинлари бўйича 330 нафардан».
- 2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

## **У**збекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2013 йил 2 август, 215-сон

